# СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОШҚАРМАСИ 1994 ЙИЛ 21 МАЙ КУНИ КЎЧМАС МУЛКЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШДА «КИМ ОШДИ» САВДОСИНИ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

### 1. ҚАРМАНА РЕСТОРАНИ



Кармана шаҳар Кўчқор Қаршиев кўчасида 2 қаватли бинонинг 2-қаватида жойлашган, фойдаланишда турган бино. Ресторан 1978 йилда қурилган, бир йўла 60 кишига, ёз ва куз ойлари эса 120 кишига хизмат қилади. Бино пишиқ ғиштдан қурилган.

Умумий хизмат кўрсатиш майдони — 600 м².

Дастлабки сотилиш баҳоси — 90 млн. сўм-купон.

### 2. «ВОЛГА» ГАЗ-31029 МАРКАЛИ МАШИНА



Қора рангли, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, «Седан» типидаги янги автомашина. Машинанинг бошланғич баҳоси — 250 млн. сўм-купон.

### 3. «МТС» ҲАММОМИ

Кармана шаҳар, Кармана кўчасидаги 5-бинода жойлашган, 1993 йилда қурилиб ишга туширилган. Қурилиш материали пишиқ ғиштдан. Ҳаммомнинг иссиқ ва совуқ сув қувурлари Навоий шаҳрининг иситиш ва сув билан таъминлаш тизимига уланган.

Умумий ер майдони — 4100 м².
Бино эгаллаб турган майдон — 825 м².

Бошланғич сотилиш баҳоси — 120 млн. сўм-купон.



### 4. ХАТИРЧИ ТУМАНИ ҚОСИМ РАҲМАТОВ НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ МАРКАЗИДАГИ ҲАММОМ БИНОСИ

Ҳаммом биноси 1992 йилда қурилган. Ҳаммом суюқ ёқилғи билан ишлайди. Табиий газ билан таъминлаш арафасида. Ҳаммомнинг орқа томонида 0,3 га ер майдони мавжуд. Бино пишиқ ғиштдан қурилган. Бинонинг эгаллаб турган ер майдони — 500 м². Ишчилар сони — 8 киши.

Дастлабки сотилиш баҳоси — 80 млн. сўм-купон.

### 5. «ГУЛИСТОН» ҲАММОМИ



Навоий шаҳар Гулистон қўрғонида жойлашган. 1993 йилда ишга туширилган. Қурилиш материали — пишиқ ғишт. Иссиқ сув, совуқ сув, иситиш тармоқлари, инженерлик коммуникациялари марказий инженерлик коммуникациялари тизимига уланган. Бино эгаллаб турган ер майдони — 397 м². Умумий ер майдони — 950 м². Ишчилар сони — 10 киши.

Дастлабки сотилиш баҳоси — 50 млн. сўм-купон.

### 6. «СПОРТ» МОЛЛАРИ ДЎКОНИ

Навоий шаҳар темир йўл бекати ҳудудидаги Ульянов кўчаси 37-уйда жойлашган. Пишиқ ғиштдан, 1965 йилда қурилган бино. Магазин эгаллаб турган майдони — 223,5 м².

Умумий ер майдони — 283,5 м².
Ишчилар сони — 5 киши.
Дастлабки сотилиш баҳоси — 50 млн. сўм-купон.



### 7. ОҚТЕПА ОШХОНАСИ

Нурота тумани матлубот жамиятига қарашли. Нуротага бориш йўлининг 20-км. белгисида, тоғ бағрида жойлашган. Нурота мармар тошидан қурилган бир қаватли бино. Ошхона бир йўла 60 хўрандага хизмат кўрсатади. 1975 йилда қуриб, ишга туширилган.

Эгаллаб турган майдони — 250 м².

Умумий ер майдони — 0,6 га.
Дастлабки сотилиш баҳоси — 23 млн. сўм-купон.

### 8. АВТОМОБИЛЛАРНИ САҚЛАШ ЖОЙИ



Навоий шаҳар Низомий кўчасида жойлашган қурилиши битмаган объект. Объект қурилиши 1991 йилда бошланган. 200 та автомобилни сақлашга мўлжалланган. Автомобилларни таъмирлаш жойлари, ювиш ва мойлаш, техник хизмат кўрсатиш, кўздан кечириш чуқурлари бор. 3 та усти ёпилган айвончаси мавжуд. Атрофи панжара билан ўралган. Автомобилларни сақлаш майдони асфальт қилинган. Қурилиш-монтаж ишлари 27,33 фоизга бажарилган.

Бошланғич сотилиш баҳоси — 12 млн. сўм-купон.

### 9. КАРМАНА ҲАММОМИ

Ҳаммом Кармана шаҳар Али Қушчи кўчасида жойлашган. Ҳаммом пишиқ ғиштдан 1960 йилда қурилган.

Бино эгаллаб турган майдон — 310 м².
Ишчилар сони — 8 киши.

Бошланғич сотилиш баҳоси — 8 млн. сўм-купон.



### 10. ҚУРИБ БИТКАЗИЛМАГАН, 2 ҚАВАТЛИ, 5 ХОНАЛИ КОТТЕЖ УЙЛАР. (4 дона) № 5, 6, 7, 8.



Навоий шаҳар Гулистон қўрғонида жойлашган, қурилиши тугалланмаган, 0,04 га ер майдонини эгаллаб турган. Битта коттеж уйининг умумий майдони — 150 м².

Шу жумладан яшаш майдони — 98 м².
Ер тўла қисми майдони — 91,8 м².
Қурилиши 1992 йилда бошланган. Қурилиш-монтаж ишлари 30 фоизга бажарилган.

Ҳар бирининг дастлабки сотилиш баҳоси — 10 млн. сўм-купон.

### 11. АВТОБУС БЕКАТЛАРИ (3 дона).



2 таси Мира кўчасида,
1 таси Горький кўчасида.
Бекатлар Мира ва Горький кўчасида, янги «Деҳқон бозори»га киришда, айланма йўлида жойлашган. Ҳар бир бекатни эгаллаб турган ер майдони — 90 м².
Ҳар бирининг бошланғич сотилиш баҳоси — 10 млн. сўм-купон.

«Ким ошди» савдосига ариза берган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар сотиб оладиган бино бошланғич қийматининг 10 фоизини тўлаганидан кейин қўйилади.

«Ким ошди» савдосига қатнашиш учун аризалар ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача Навоий вилояти давлат мулкини хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасида қабул қилинади.

Манзилгоҳимиз: Навоий шаҳри, Горький кўчаси-4 уй. Шаҳар ҳокимлиги биноси.

Харидорлар ушбу манзилга келиб, қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишлари мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 3-07-28, 3-74-60, 3-72-92.

«Ким ошди» савдосида қатнашувчилардан аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 1994 йил 18 май.

«Ким ошди» савдоси 1994 йил 21 май соат 10.00 да Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида бўлиб ўтади.

**«Ким ошди» савдоси орқали сотиб олинган объектлар учун сарфланган маблағлар манбаларига декларациялар сўралмайди.**

**«КИМ ОШДИ» САВДОСИГА ҚАТНАШИШГА ШОШИЛИНГ!!! ИМКОНИЯТНИ ҚУЛДАН БОЙ БЕРМАНГ, АЗИЗЛАР!!!**

# ҚУТЛОВЛАР

Азиз ва меҳрибон отажонимиз

Эргаш Ғаффорович БЕРДИЕВ!

Сизни 42 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин юракдан муборакбод этамиз! Оилавий турмушингизда бахт-саодат, ишларингизда ҳамиша омад ёр бўлсин!

**Оилангиз номидан: ўғлингиз УТКИРБЕК.**



Ҳурматли акамиз ва дўстимиз БЕРДИҚОБИЛ Умаров!
Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин қалбимиздан табриклаб, узоқ-умр, сиҳат-саломатлик, бахту саодат тилаймиз. Эзгу тилакларингиз амалга ошсин!

Укаларингиз **Шуҳрат, Шамсиддин, Замира ва синфдошларингиз.**



Азиз ва меҳрибон дадажонимиз Аввалбой ТЎЙЧИЕВ!
Муборак 70 ёшингиз қутлуғ бўлсин! Сизнинг республикамиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга озми-кўпми қўшган ҳиссангиз билан фахрланамиз. Юз ёшга кириб юринг. Бахтимизга омон бўлинг.
Ҳурмат билан фарзандларингиз **Анвар, Асқар, Дилбар, Маҳрам,** невараларингиз **Шерзод, Умида, Нилуфар, Сардор.**



Ҳурматли отамиз Абдуназар Эшболтаев ва онажонимиз Обод Ҳазратқулова!
Биз фарзандларингиз сизларни табаррук 53 ҳамда 50 ёшга тўлишингиз билан чин дилимиздан табриклаймиз. Тану жонингизга саломатлик тилаймиз. Умрингизга умр қўшилсин. Невара, чевараларингизнинг роҳатини кўринг. Ҳамиша саодатли бўлинглар.
**Фарзандларингиз номидан: Комилжон Эшболтаев Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон ноҳияси, С. Бойматов жамоа хўжалиги.**





Қадрли Абдувоҳид РАУПОВ!

Сизни қирчиллама ёшингиз—таваллуд топганингизнинг муборак 40 йиллиги билан қизғин қутлаймиз!

Сиздаги ҳалоллик, қўл остингизда ишлаётганларга меҳрибонлик, талабчанлик шогирдларингизга ҳам юқиб боряпти. Ўн йиллик директорлигингиз мобайнида мактабда таълим-тарбия ишлари янги поғонага кўтарилгани билан фахрланамиз.
Сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилангизда хотиржамлик тилаймиз.

**Тошкент шаҳар, Акмал Икромов туманидаги Тўра домла Тўлаганов номли 251-мактаб муаллимлар жамоаси.**

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ.

Нашр учун масъул Тўхтамурод ТОШЕВ.

Ҳафтада бир марта чиқади.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176.

Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.
ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32, 3-қават, 344, 346-хоналар.
Индекс: 75487.

